

Бирингиз ўз биродарига қурол билан ўқталмасин | Сийрат дарслари (344-дарс)



19:00 / 05.09.2025 1224

739. Аҳнаф ибн Қайсдан ривоят қилинади:

«Мен бу кишини (Алийни) ирода қилиб чиқдим. Абу Бакра учраб қолди ва: «Эй Аҳнаф, қаёққа?» деди. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиларининг ўғлига ёрдам бермоқчиман», дедим. – Яъни, Алийга –. Шунда у менга: «Эй Аҳнаф, қайт! Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Қачон икки мусулмон қиличлари билан юзма-юз келишса, иккови ҳам дўзах аҳлидан бўлур»**, деганларини эшитганман», деди. «Қотил-ку майли, мақтулга нима учун бўлади?» дейилмаганми!» дедим. **«У ўз соҳибини қатл қилишни ирода қилган эди»** (дедилар), **деди»**.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

740. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Бирингиз ўз биродарига қурол билан ўқталмасин. Чунки шайтон эҳтимол унинг қўлини ўйнатиб, дўзахнинг чуқурига тушиб қолишига сабаб бўлишини ўзи билмай қолади»**.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: «Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Ким ўз биродарига ўтқир темир билан ўқталса, уни фаришталар лаънатлайди»**, деганларини эшитдим».

Муслим ривоят қилган.

741. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мусулмонни сўкиш фосиқликдир ва у билан уруш қилиш кофирликдир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

742. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Умматимдан бир тоифа ҳақда зоҳир бўлган ҳолларида бардавом бўлишади. То Аллоҳнинг амри келгунча уларни хорлаганлар уларга зарар етказа олмайди. «Ийсо ибн Марям соллаллоҳу алайҳи васаллам тушганида уларнинг амири: «Кел, бизга намоз ўқиб бер», дейди. «Йўқ. Сизлар баъзингиз баъзингизга амирсизлар. Бу, Аллоҳнинг ушбу умматга қилган икромидир»**, дейди».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.